Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 7-iyul. Shanba ● 82 (31.514) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 72 355 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 141 520 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 141 520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 86 835 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молиялананадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармони (6 ва 7-бандлари истисно қилинган ҳолда) 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 5 июль*

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июль куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси қуйи қўмитаси раиси Дэн Бертон ва конгрессмен Грегори Миксни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон АҚШ Конгресси нуфузли делегациясининг мамлакатимизга ташрифига Ўзбекистон — Америка мулоқоти изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир далолат, икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият сифатида қарашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида кенгайиб бораётган парламентлараро алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлашда, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар соҳалардаги кўп қиррали шерикликни, шунингдек, демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокамаси чоғида Афғонистон мавзуига, ушбу мамлакатдаги ҳозирги вазият ривожининг турли йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон икки томонлама асосда Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмага оид, мазкур мамлакатда тинч ҳаётни тиклашга қаратилган иншоотлар қурилишида қатнашиб келаётгани ва бундан буён ҳам иштирок этиши таъкидланди.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни, долзарб минтақавий ва глобал муаммоларни конструктив тарзда муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли асосда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

**ЎзА**

## ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Комплекс бўйича жами 1 триллион 995 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 123,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 965 миллиард сўмлик (119 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 161,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 133 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди.

Комплекс йиғилишида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада кучайтириш ҳамда мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга доир вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, давлат идораларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларни компьютер саводхонлиги бўйича билим даражаларини ошириш ва ўтказилаётган аттестациялар натижалари таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органларида «Ягона ойна» марказларини ташкил қилишнинг ҳолатига оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, Комплекс таркибига кирувчи идоралар тизимида 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳолати билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА**

### ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

## ОДАМЛАР ҚУВОНЧИ ВА ТАШВИШИ

Одамлар Жамоатчилик қабулхоналарига қачон мурожаат қилади? Агар бу қабулхоналар мақсадини аниқ билса, улардан ёрдам олишга ишонса. Партия фаоллари, депутатлар эса электорат вакилларини ўйлантираётган муаммо ва камчиликларни ўрганиб, уларга ечим топиш учун астойдил ҳаракат қилиши лозим.

Бу каби ибратли ишларни ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти мисолида кўриш мумкин.

2-бет

Юксак маънавият — енгилмас куч

## БАХТ ДАБДАБАЮ ҲАШАМДАМИ?

*Тўйлар билан боғлиқ турли маросимларни кимлар ўйлаб чиқармоқда? Булар ҳаётимизга қувонч келтиряптими ёки ортиқча ташвиш?*

3-бет






**«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг**



ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ:

**АСРЛАРГА ТЕНГ ЮКСАЛИШ**

www.uzbekistonovozi.uz

### Бугунги сонда

**Партияларaро баҳс**

● **КАМЧИЛИКНИ ЯШИРИШНИНГ ЛИБЕРАЛЧА УСУЛИ**
ёхуд ЎзЛиДеП ўз зиммасидаги ишни маҳаллий ҳокимликлар вазифаси, деб ҳисоблаётгани ҳақида
*2-бет*

**Ўзбек футболи**
**100 ёшда**

● **БОЛАЛАР ФУТБОЛИГА ЭЪТИБОР**
келажакдаги ғалабаларимиз учун мустаҳкам пойдевор яратади
*4-бет*

**ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида**

# ОДАМЛАР ҚУВОНЧИ ВА ТАШВИШИ

— Мурожаатлар, аризалардаги масалаларни ҳал этиш ҳам касбий, ҳам инсоний бурчимиздир, — дейди **ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Раъно Маматқулова.** — Уларда кўтарилаётган муаммолар турлича. Шу йилнинг ўзида 20 та мурожаат келиб тушган бўлса, улардан 19 таси ўз ечимини топди. Ҳал этишга улгурилмаган масала юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Бунда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партиямиз фаолларининг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

**Жамоатчилик қабулхонамизда электорат билан ишлаш самарали йўлга қўйилган. Кенгашимиз аъзолари ишга жойлашиш, моддий кўмак, коммунал тизимдаги муаммолар ва бошқа масалаларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишади.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Жорий йилда туманимизнинг 8-квартали 10-11-12-уйларида истиқомат қилувчилар уй атрофида чиқиндилар тўпланиб қолганлигидан шикоят қилишди. Тегишли чоралар натижасида масала икки кунда ўз ечимини топди. Партиядошларимиз таклифига асосан депутатларимиздан Жасур Қулмуҳаммедов, Бўрижар ва Чарх Камолон-3 маҳаллаларида истиқомат қилувчи 2 нафар имконияти чекланган фуқарога ногиронлик аравачаси ҳадя қилди. Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғи раҳбари, ЎзХДП депутати Баҳодир Султонов ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига боғ ўйингоҳларидан бепул фойдаланиш учун имконият яратиб берди.

Сиёсий партия халққа қанчалик яқин бўлса, одамларнинг унга бўлган ишончи шунча ортади. Бу борада Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаатига эътибор ва масъулият билан ёндашиш эса партия нуфузининг ошиши ҳамда ўз дастурий мақсадларига эришиши учун катта замин яратади.

**Нурали УЛУҒОВ**

**Бошланғич ташкилот — асосий таянч**

**Зангиота туман партия кенгаши 70 та бошланғич ташкилотдан иборат. Партия аъзолари сони эса 2660 нафардан ортиқ. «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «Зангиотатумангаз» филиали қошида тузилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти кўпчиликка ибрат бўлмоқда.**

# МАҚСАДГА ЭРИШИШ

**фаоллик ва ташаббускорликка боғлиқ**

— Бошланғич ташкилотимизда 12 нафар аъзо бор, — дейди **қуйи бўғин етакчиси Флюра Сайфулина.** — Корхонамизда ишчи-ходимларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун асосий эътиборни уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партия ғоялари билан таништириш, филиалимиз ишчиларини ўйлантираётган айрим масалаларни депутатлар ёрдамида ҳал қилишга қаратаяпмиз. Партияга аъзо бўлиш истагидаги ишчилар орасидан ҳаётни сергак кузатган, мустақил фикрга эга бўлган ёшларни танлаб олаяпмиз.

Бошланғич ташкилотда «Уста-шогирд» тамойили ҳам йўлга қўйилган. Тажриба ўташга ва ишга келган коллеж битирувчилари малакали мутахассислардан касб сирларини ўрганмоқда. Шунингдек, БПТ ташаббуси билан корхона чилангари Бахтиёр Қорабоевга оилавий шароити ҳисобга олиниб, филиал ҳисобидан бир бош қорамол олиб берилди. Аъзолар «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қилувчи ёлғиз қария Нина Какаулинанинг уйига 60 метр труба тортилиб, газ ўрнатиб берилишида ташаббус кўрсатишди.

— Иш тажрибамиздан шунга амин бўлдикки, қуйи бўғин фаолиятини кучайтирмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин, — дейди **Зангиота туман партия кенгаши раиси Хайрулла Малилов**. — Тўғри, ҳозирда барча бошланғич ташкилотларни фаол ишлаяпти дейиш фикридан йироқман. Шу боис БПТлар ишини жонлантириш учун туман Кенгашидаги 32 нафар депутатимиз имкониятидан фойдаланишни режалаштиряпмиз. Агар уларга зарур кўмак бериб турилса, қуйи бўғин аъзолари бундан руҳланади, уларда фаоллик ва ташаббускорлик кучаяди.

Дарҳақиқат, сиёсий партия дастурий мақсадларига эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун бошланғич партия ташкилоти электорат билан ишлашда ҳаёт синовидан ўтган сиёсий технологиялардан фойдаланиши талаб этилади. Ҳаёт ўзгармоқда, одамлар онги ва дунёқараши юксалмоқда. Уларнинг ишончига сазовор бўлиш учун эса аниқ ва амалий ишлар керак.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**ЎзХДП фаоли.**

**Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятидан**

# БАХТИМ ШУНДАКИ,

## ҲАР КУНИ ОДАМЛАР ОРАСИДАМАН

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси Фаридахон Жўрабекова ҳар бир саволга аниқ ва батафсил жавоб беради. Унинг маҳаллада маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарбия ёки шаҳар маданий-маиший ва иқтисодий ҳаётининг долзарб муаммолари ҳақида фикр-мулоҳазаларини эшитиб, «қанийди, ҳамма депутат ҳам шундай бўлса», деб ўйлайсан киши.

Янгийўл шаҳридаги «Мезон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раёсатининг аъзоси, шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси сифатида у амалга ошираётган ишларга қараб, беихтиёр «Нечта жони бор бу аёлнинг?!» деган фикр хаёлимдан ўтди.

*ТАВСИФНОМАДАН:*

**«Ф. Жўрабекова 1979 йили Янгийўл шаҳар давлат архивида меҳнат фаолиятини бошлаган... 1986-2002 йиллари технология касб-ҳунар коллежида ўқитувчи. 1987 йили Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган».**

— 2002 йили маҳалламиз оқсоқоли Абдусаттор Абдураҳмонов педагог-тарбиячи лавозимига ишга таклиф қилиб қолди. Рози бўлдим. Дастлабки кунлардаёқ қанчалик масъулиятли ишлар гирдобига тушиб қолганимни чуқур ҳис этдим. Кундалик юмушлар шунчалик серқирра эдики, гоҳида ишни қайси биридан бошлашни билмай қолардим... — дейди депутат.

Лекин коллеждаги ўқитувчилик тажрибаси, ўқиш, иш, оилавий турмуш жараёнларида анча тоблангани хилма-хил вазифалар уммонидан жорий ва истиқболли юмушларни ажратиб олишга имкон берди.

Ишлар юришиб, маҳалла жамоатчилиги унинг саъй-ҳаракатларини эътироф эта бошлади. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар кенгаши у бошлаган ишларни оммалаштириб, бошқа маҳаллаларда жорий этди.

*ТАВСИФНОМАДАН:*

**«Хизмат вазифасига оид масалаларга жиддий муносабатда бўлади. Баҳс ва мунозаралар пайтида вазминлигини йўқотмайди. Ҳамкасблари ва аҳоли билан муносабатда ўзини доимо камтар тутади, манманлик қилмайди».**

Орадан кўп ўтмай маҳалла оқсоқоли кутилмаганда:

— Қизим, маҳалламиз фуқаролар йиғини раислигига номзодингизни тавсия қилдим, — деб қолди. — Ўзим, ҳамиша ёнингизда бўламан, ёрдам бераман.

Шу тариқа, 2003 йил 20 ноябрдан бошлаб Фаридахон маҳалла фуқаролар йиғинига раҳбарлик қилиб келмоқда. Маҳалла каттагина — 1051 хонадонда 14 миллатга мансуб 2700 дан ортиқ аҳоли яшайди.

Суҳбатимиз қизғин давом этиб турганида хонага бир аёл кириб келди.

— Бу киши Самарқанд кўчасининг фаоли Раҳима Пўлатовна бўлади, — таништирди Фаридахон. — Маҳалламиздаги 15 та кўчада 1072 оила истиқомат қилади. «Обод кўча», «Намунали оила» танловларимизни ташкил этишда мана шу Раҳимахон Абдуллаева, Абдусаттор Абдураҳмонов, Тоир Гелибоев, Муҳаммаджон Абдураимов сингари фаолларимиз бош-қош бўлишмоқда.

Маҳаллада ҳар бир иш муҳим. Уларни ҳал этишда Фаридахон «Полиграф-сервис», «Тошкентвино» каби катта-кичик корхоналар, 10-умумтаълим мактаби жамоаларига таянади.

*ТАВСИФНОМАДАН:*

**«Сўнгги беш йил давомида маҳаллада 32 та хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ташкил қилинди. 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди».**

Вилоят Кенгаши доимий комиссиясининг аъзоси Фаридахон Жўрабекованинг депутатлик сўровлари натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда фуқаролик жамияти барқарор шаклланиб бораётган ҳозирги босқичда ижтимоий-сиёсий фаол бир киши ҳам кўп масалаларни ҳал қила олиши мумкин. Унинг шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларига депутатлик сўрови киритиши, депутатлик назоратини кучайтириши натижасида сўнгги йилларда «Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғида тўртта болалар аттракциони ўрнатилди, Самарқанд кўчаси тўлиқ асфальт билан қопланди, иссиқлик энергияси ва ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Депутатнинг ташвишлари шу билангина чекланмайди. Чунончи, коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида у шаҳардаги йирик корхоналар, жумладан, «Текстил» фабрикаси ишбошиларига мурожаат қилади, маҳалланинг ўзида бўш жойларни топиб, тадбиркорликни бошлаш истагида юрганлар билан хусусий корхона ёки микрофирма очиш хусусида фикрлашади. Сўнгги бир йилда маҳалланинг ўзида 31 та янги иш ўрнига эга тўртта хусусий корхона ташкил этилди.

*ТАВСИФНОМАДАН:*

**«Ўзгаларнинг фикрини эътибор билан тинглайди. Одамлар билан тез тил топиша олади, муомалада самимий, арз ва шикоятларни диққат билан эшитади, ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ўз соҳасини яхши билиши туфайли туман ва вилоят фаоллари davраларида обрў-эътибор қозонади».**

ЎзХДП туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасидаги ишлар ҳам озмунча вақт олмайди. Унинг миқёсини тасаввур этиш учун айрим рақамларни келтириб ўтишнинг ўзи кифоя. Сўнгги бир йилда қабулхонага 130 нафар фуқаро мурожаат қилди. Улар хилма-хил, айримларининг ечими учун турли ташкилот ва идоралар билан иш олиб боришга тўғри келди. Натижада кўпқаватли уйларни қиш мавсумида иситиш, газ ва ичимлик сув таъминоти яхшиланди, кўчаларга асфальт ётқизилди. Олти киши «Устозлар» ошхонаси ва «Фараз ЛТД» қўшма корхонасига ишга жойлаштирилди.

Мана шундай, ХДП фаоли, маҳалла раиси, депутат Фарида Жўрабекованинг ҳар бир масалага оқилона ечим излаб, мутахассису мутасаддилар, фаоллар билан маслаҳатлашади. Ҳар бир ишни амалдаги қонунларга мувофиқ бажаришга интилади. Вақтни аниқ режалаштириш, талабчанлик, ғайрат-ташаббускорлик бошланган ишни охирига етказишга имкон беради.

— Бахтим шундаки, ҳар куни одамлар орасидаман, — дейди маҳаллий Кенгаш депутати Фарида Жўрабекова. — Улардан куч оламан. Уларга озгина бўлса-да ёрдамим тегаётганидан қувонаман.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**

# КАМЧИЛИКНИ ЯШИРИШНИНГ ЛИБЕРАЛЧА УСУЛИ

**Партиялараро баҳс**

## *ёхуд ЎзЛиДеП ўз зиммасидаги ишни маҳаллий ҳокимликлар вазифаси, деб ҳисоблаётгани ҳақида*

Бугунги замон талаблари, тараққиёт суръатларини тезлаштириш вазифалари сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Бу вазифаларни ўз вақтида кун тартибига қўйиш учун ҳар бир сиёсий куч мамлакатнинг ривожланиш истиқболлари аниқ ифода этилган дастурга эга бўлиши, бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос ғоя ва қатъий позиция билан одимлаши лозим. Сиёсий партиянинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи ҳам бевосита шунга боғлиқ.

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиши, кучли ижтимоий сиёсат қарор топиши ҳар қандай давлат ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу жиҳат бир-бирига уйғун равишда такомиллашиб боради. Негаки, иқтисодиётни ижтимоий сиёсатсиз, ижтимоий тизимни эса иқтисодиётсиз ривожлантириб бўлмайди. Маълумки, бу борада мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия ўз ёндашувига эга.

ЎзХДП иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўли негизида ижтимоий бозор иқтисодиёти бўлиши керак, деган ғояни илгари суради. Бир сўз билан айтганда, **партиямиз ижтимоий ҳимояга асосланган бозор қонунларига мос иқтисодиётни ёқлайди.**

Бу партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Дастурда партия маҳаллий кенгашлари зиммасига электорат манфаатларига дахлдор қатор вазифалар юкланган. Масалан, **аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига аҳолининг бандлик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.** Бу вазифалар партиянинг Сайловолди дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари Ҳаракат дастури асосида жойларда аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пенсия ва нафақа тайинлашда учраётган камчиликларни бартараф этиш, умуман олганда, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қатор ташаббусларни илгари сураяпти, бу борада ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб бориб, аниқланган хато ва камчиликлар бўйича таклифларни доимий комиссия ҳамда сессиялар муҳокамасига олиб чиқаяпти. Бир мисол — ўтган йили Ҳаракат дастури ижроси бўйича ЎзХДП депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 49 та масала муҳокама этилди, 23 та масала туман Кенгашларидаги доимий комиссияларда кўриб чиқилди. 20 та масала эса сессияларга олиб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Муҳими, депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар сайловчилар манфаатига хизмат қилаяпти, уларни ўйлантираётган масалалар ечим топаяпти... Шу тариқа Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилаяпти.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилаяпти. Бу соҳа иқтисодиёт тармоқларида етакчи ўрин тутганлиги боис, янги-янги имкониятлар, шарт-шароитлар яратилаяпти. ЎзХДПдан фарқли равишда ЎзЛиДеП тадбиркорлик ташаббуси бозор иқтисодиёти ривожланишининг бош омили, эканини эътироф этади. Тадбиркорлик эркинлиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши асоси ҳисобланишини тан олади.

Албатта, бу каби ғоя ва шунга мувофиқ ишлаб чиқилган дастур мақсади эътиборга муносиб. Бироқ белгиланган вазифа бажарилмаса, катта ваъдалар бериб кичик ишлар билан чекланиб қолинса, баъзан эса ижро ҳокимияти ютуқларига эга чиқишга уриниш партияга қанчалик обрў олиб келади?

Бежизга бундай саволларни ўртага ташламадик. Негаки, либераллар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган ишлар панасида туриб, кўкрак кериб гапиришга ўрганиб қолишаяпти. Бугунги кунга қадар ЎзЛиДеП ўз электорати манфаатлари ифода этилган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалий таклиф ёки лойиҳа ишлаб чиққанича йўқ. Ваҳоланки, жойларда ҳали-ҳамон тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар оз эмас.

ЎзЛиДеП нашридаги «Ҳар ким камчиликни ўзидан ахтариши керак» сарлавҳали остида чоп этилган мақолада шундай дейилади: «Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган, ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда, энг аввало, ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастури (платформаси)ни амалга оширишда депутатлик гуруҳлари фаоллигини кучайтириш, жойлардаги мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенгайтириш эвазига ҳудудий дастурлар ижроси қатъий назоратга олинаяпти».

Мақолада Самарқанд вилояти бўйича ЎзЛиДеП олиб борган ишлар таҳлил қилинади. Унда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилгани бот-бот такрорланади. Энди ўйлаб кўринг. Ўтган йили Самарқандда либерал депутатлар фақат халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига бор-йўғи 1 та масала киритган. Кўплаб туман ва шаҳарларда улар томонидан ҳеч қандай масала киритилмаганини ҳисобга олсак, кишида бир савол туғилади: Нима, Самарқандда ЎзЛиДеПдан депутат сайланмаганми? Ёки либераллар депутатнинг вазифаси фақат мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишдан иборат, деб ўйлашадими?

Кишини ҳайрон қиладиган жиҳати, ЎзЛиДеПнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари фаолиятидаги камчиликлар, айрим ҳудудларда тадбиркорлар муаммоларга дуч келаётгани, ЎзЛиДеП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари бу камчиликларга лоқайд қараётгани ҳақида танқидий фикр айтилганда, улар ҳар қандай танқидни инкор этиб, турли баҳоналар ўйлаб топишаяпти. Хусусан, «XXI asr» газетасида чиққан мақолаларнинг бирида шундай дейилади: **«Айрим ҳудудларимизда қишлоқ мулкдорлари фаолиятига етарлича эътибор қаратилмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу маҳаллий ҳокимиятлар томонидан йўл қўйилаётган хатолар, соҳага бўлган эътиборсизлик натижасидир. Аммо бундай камчиликларда бевосита ЎзЛиДеП, «Адолат» ёки «Миллий Тикланиш» партиялари аъзоларини айбдор қилиш мантиққа тўғри келармикин? Бу сиёсий партия вакилларини ижро ҳокимияти фаолиятига аралашишга даъват эмасми?»**

Охирги гапни ўқиган киши «ё ажаб» дея ёқа ушлаб қолиши табиий. Сиёсий партиянинг сиёсий нашрида бундай фикр айтилиши ақлга тўғри келмайди. Сиёсий партия ижро ҳокимияти фаолиятига аралашмаслиги керак эмиш. Биринчидан, биз либерал депутатлар фаолиятини танқид қилаяпмиз. Иккинчидан, сиёсий партиялардан сайланган депутатлар ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилади, жойларда қонунлар ижроси аҳволи бўйича давлат идоралари раҳбарлари ҳисоботини эшитади. Керак бўлганда электорат манфаатидан келиб чиқиб, тегишли идораларга депутатлик сўрови юборади ва ҳоказо. Либералларнинг биз ижро ҳокимияти фаолиятига аралашмаймиз, деб туриши нимани билдиради?..

ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши уларнинг салоҳият ва имкониятлари тўла рўёбга чиқишига ёрдам беради, бу эса иқтисодиётнинг ўсиши ва мамлакат фуқаролари турмуш фаровонлигининг янада юксалишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади», деб белгилаб қўйилган. Юқоридаги фикр бу вазифага қарши эмасми? Жойларда тадбиркорлик ривожланса, «**бу бизнинг ишимиз**», ишлаб чиқарувчи муаммога дуч келса «**бу маҳаллий ҳокимликларнинг айби**» деб бир четда туриш либераллар одатига айланиб қолди.

Хўш, уларнинг айтганича, тадбиркорлар дуч келаётган муаммолар маҳаллий ҳокимликларнинг айби ҳам дейлик. Шундай бўлгач, нега либераллар бу каби хато ва камчиликларни назорат қилиб, уларни ечиш бўйича таклифларини сессияларга олиб чиқмайди? Қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатиш маҳаллий кенгаш депутатларининг муҳим вазифаси-ку. Агарда ЎзЛиДеП ўз электорати муаммоларини яқиндан ўрганган бўлса, уни ҳал қилиш бўйича ташаббус билан чиққан бўларди. Афсуски, партия вакиллари ўз камчилигини тан олгиси келмайди.

Яқинда, ЎзЛиДеП фаоллари яна бир даъво билан чиқишди. «**ЎзХДПнинг хусусий сектор эгалари ва тадбиркорлар фаолиятига нисбатан куюнчаклиги ҳар қанча таҳсинга сазовор. Аммо бундай муносабат маҳаллий ҳокимликлар зиммасидаги вазифаларни сиёсий партиялар зиммасига юклаш лозим, деган фикрни келтириб чиқармаяптими? Хўш, ХДП нашрида изчил эълон қилинаётган ва асосан ана шундай ғоялар сингдирилган мақолалар сони тобора ортиб бораётганидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Бизнингча, ХДПнинг айрим фаоллари ҳалигача демократик ислоҳотлардан кўзда тутилган асл мақсадни англаб етмаётирлар. Зеро, ислоҳотларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялардан фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли хоҳиш иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органлари устидан назорат ўрнатиш талаб этилмоқда**», дейилади «XXI asr» газетасида.

Яна ўша гап, ўша олди-қочди фикр. Қизиқ, ЎзХДП ЎзЛиДеП камчилигини айтса, бу демократик ислоҳотларни англаб етмасликми? Хўш, либераллар юқорида фикрни келтирган экан, бир саволимиз бор: Жойларда давлат ҳокимияти устидан назорат ўрнатиш сиёсий партиянинг вазифаси экан, унда нега тадбиркорлар манфаати билан боғлиқ ишларни назорат қилиб, аниқланган хато ва камчиликларни сессияларга олиб чиқмайсиз?

Демак, кўриниб турибдики, либераллар ўзларини мутлақо бекаму кўст ҳисоблашмоқда. Ҳеч қандай танқидни қабул қилишни исташмаяпти. Агар ЎзЛиДеП ўз камчилигини тан олиб, уни бартараф этиш йўлларини изласа, бундан аввало, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаат кўрар эди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Юксак маънавият — енгилмас куч

# БАХТ ДАБДАБАЮ ҲАШАМДАМИ?

## Тўйлар билан боғлиқ турли маросимларни кимлар ўйлаб чиқармоқда? Булар ҳаётимизга қувонч келтиряптими ёки ортиқча ташвиш?

**Меҳр-оқибатли халқмиз. Қўни-қўшничилик, қариндош-уруғчилик муносабатлари бизда азалдан эзгу қадрият саналади. Хурсандчилигини яқинлари билан баҳам кўриш истаги халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, жипслиги, аҳиллигидан дарак беради. Тўй — миллатимизга хос ана шундай бетакрор фазилатлардан бири.**

Чиндан ҳам кўнглинг суйган одам билан дилдан суҳбатлашганга нима етсин! Бундай пайтда дастурхонга нималар қўйилгани, неча хил таом тортилгани муҳим эмас. Асосийси — яхши гурунг, маънавий суҳбатдан кўнгил яйрайди.

Дўсту биродарларнинг бир-бирини йўқлаб, дийдор кўришишидан мақсад ҳам шу аслида. Аммо кейинги пайтларда тўйларни ўтказишда қўшимча маросимлар тобора кўпайиб бормоқдаки, ҳайтовур, улар маънавий суҳбатлар эмас, дабдабабозлик, ҳашамат, кимўзарлик ва охир-оқибат исрофгарчилик асосига қурилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга оид фармони қабул қилинган эди. Албатта, шундан сўнг халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари анча тартибга тушди.

Бироқ вақт ўтиши билан ўз-ўзини кўз-кўз қилишнинг, шуҳратпарастлигу дабдабабозликнинг янги-янги усуллари пайдо бўла бошлади. Энг ёмони, бундай нохуш одатларнинг «ижодкорлари» ўзимиз. «Маҳаллада дув-дув гап» фильми қаҳрамони сингари битта қўзини ҳаммага ўнта қўй, деб айтгимиз келади. Ҳофизнинг овозини етти маҳаллага етказишни истаймиз. Ўша фильмда Лутфихоним Саримсоқова ижросидаги Меҳринисо ая айтганидек, «бу тиниб-тинчимаган одамлар нималарни ўйлаб чиқармайди-я».

Ҳа, кундан-кунга кўпайиб бораётган бундай одатларнинг азалий миллий қадриятларимизга алоқаси йўқ. Улар кимлар томонидандир ўйлаб топилган, балки кимларнингдир манфаатига хизмат қиладиган бидъат-хурофотлардир.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида никоҳ тўйи давомида йигирмага яқин маросим ўтказилади. Баъзан бу маросимларнинг ҳар бири алоҳида тўйга айланиб кетади. Уларда ўзаро алмашинадиган совға-саломлару сарпою тоғораларни айтмай қўя қолайлик.

Ўтган йили қизини узатган тошкентлик Гулсанам опанинг айтишича, урф-одатга кўра, дастлаб «оқ ўрар» маросими бўлади. Унда қизнинг онаси розилик аломати сифатида қуда томондан келган аёлларга бош-оёқ сарпо, мева-ширинликлардан ясалган сават беради, дастурхон безатиб, меҳмон қилади. «Катта фотиҳа» маросимида куёв томондан ўнлаб тоғорада озиқ-овқат ҳамда келинга сарпо келади. Қиз томондан улардан ошириб, яъни тоғора-тоғора таом, куёв ва қудаларга сарпо қилинади.

Тўйдан олдин куёвникида «Мол ёяр» — мебель, парда, идиш-товоқлар, ўрин-кўрпа, гиламларни намойиш этиш маросими, келинникида «Қизлар мажлиси» ўтказилади. Тўй куни ресторанда ош берилади, куёвнавкарлар кутилади. Тўйдан сўнг «Келин салом», «Чарлар», «Ҳафталик» маросимлари, ҳайитлар муносабати билан яна бир қанча қўшимча расм-русумлар бажарилади.

Опанинг айтишича, қизи яқинда фарзандли бўлар экан. Энди у «Кичик қовурдоқ», «Катта қовурдоқ», маълум бир вақтдан сўнг «Бешик тўйи» маросимларини ўтказиши керак экан. Унда ҳам йиғилганларга турли совға-саломлар улашилади. Чақалоқ қирқ кунлик бўлганда, «Чиллагузарон» ўтказилиб, куёв томон турли сарпо, овқат ва пишириқлар билан меҳмон қилинади.

Ўйлаб қаралса, тўйдан олдинги ва тўйдан кейинги маросимлар шунчалик кўп эканки, уларни адо этиш учун қанча маблағ кетишини оддий хомчўт қилишнинг ўзиёқ унча-бунча оилани шошириб қўйиши тайин. Буларнинг барчасига яна қанча одамнинг қимматли вақти кетади, ишдан қолади, гоҳида асаббузарлик ҳам бўлади.

Хўш, бундай ортиқча маросимлар, катта-катта сарф-харажатлардан мақсад нима? Наҳотки, икки ёшнинг бахти учун шунча нарса, шунча маросим керак бўлса?! Ёшларнинг бахти, оиланинг мустаҳкамлиги шулар билан белгиланадими?.. Кошки эди... Бизнингча, ушбу тартиб-қоидаларни «кашф» этаётганлар бу ҳақда ўйламайди ҳам.

Бундай ҳавас ва интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиши эса ор-номусли кишиларни оғир аҳволга тушириб, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Тўйдан кейинги келишмовчиликларга сабаб бўлиб, оилалар мустаҳкамлигига путур етказади. Шу боис тўй-ҳашам, оилавий тадбир, маърака ва маросимларни тартибга солиш бугунги кунда жамиятимиз олдида долзарб масалалардан бўлиб турибди.



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши хайрли бир ташаббус бошлади: тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга оид қарор қабул қилди. Унга кўра, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ушбу тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилди. Улар томонидан тўй ва маросимларни ўтказишдаги меъёрлар, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Бундай кенгашлар Тошкент шаҳар ва барча туман ҳокимликларида, пойтахтимиздаги 476 маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдураҳимова. — Жамоатчилик кенгашларининг олимлар, тажрибали педагоглар, санъат намояндалари ва маҳалла фаолларидан таркиб топгани аҳолининг уларга нисбатан эътибори ва ишончини оширмоқда. Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги Жанггоҳ маҳалласи, Юнусобод туманидаги Матонат ва Мингўрик маҳаллаларида мазкур кенгаш тавсиялари асосида намунавий тўйларни ўтказдик. Қисқартирилган ёки ихчамлаштирилган маросимлардан, қаторлашган автомашина ва «бирровчи» хонандаларга кетадиган харажатлардан тежалган маблағ эвазига ёш оилага рўзғор буюмлари олиб берилди. Энг асосийси, буни кўпчилик тўғри тушунди, мамнуният билан қабул қилди. Яна бир муҳим жиҳати, пойтахтимиздаги тўйхоналар билан узвий алоқа йўлга қўйилганидир. Эндиликда уларнинг маълумотлари орқали тегишли жамоатчилик кенгаши ўз ҳудудидаги тўй ва маросимлардан хабардор бўлиб боради, ташкилотчиларга зарур маслаҳат ва тавсиялар беради. Бу орқали нафақат дабдабали тадбирларнинг, балки қариндошлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳларнинг ҳам олди олинмоқда.

Бу хайрли ташаббус халқимиз ҳаётига бефарқ бўлмаган, ўзини шу жамиятга дахлдор деб билган ҳар бир инсонни қувонтиради, албатта. Лекин ушбу меъёрларнинг ҳаётимизга чуқур сингиши, барчага бирдек меъёрга айланиши учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Аввало, халқ назаридаги одамлар, эл орасида обрў-эътиборли кишилар бу борада барчага ўрнак бўлишлари лозим.

Масалан, сўнгги пайтларда айрим хонандаларнинг тўйлари ёзилган дисклар аҳоли орасида тарқалиб кетди. Уларда кўз-кўз қилинаётган кўрку ҳашамат оддий одамларга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Айниқса, оила қуриш арафасидаги ёшлар бундай дабдабали тўйларни кўргач, ҳою ҳавасларга берилиб, ота-онасини турли қийинчиликларга дучор қилиши, оқибатда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларга зиён етказиши ҳам мумкин. Ахир, бунақа тўй ўтказишга ҳамманинг ҳам қурби етмайди-ку.

Дабдабали тўйининг видеосини тарқатаётганлар аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳашамга ўчлик, такаббурлик ва манманликни тарғиб этиб қўймаяптимикан?! Тегишли идоралар бундай номаъқулчиликларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли чоралар кўрса, юқорида тилга олинган иллатларнинг олди олинган бўлармиди...

Яна бир мулоҳаза. Бугунги кунда тўй ва маросимларни «юқори савияда» ўтказишни таклиф этаётган кўплаб фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг рекламаларида анъанавий хизмат турларидан ташқари «юлдузли осмон», «капалак ва шарлардан фейерверк», «шоколадли фонтан» каби ғаройиб таклифларни ҳам учратиш мумкин. Номланишидан ҳам кўриниб турибдики, бу ғаройиботлар фақат дабдабаю асъасага хизмат қилади. Тўй соҳиблари улардан ҳаммани ҳайрон қолдириш, бошқалардан ажралиб туриш, керак бўлса, шу йўл билан ўз обрўйини ошириб олиш истагида фойдаланади.

Айнан мана шундай маънавий қашшоқ истаклар бизни янги-янги расм-русумларга, «мода»ларга етакламоқда. Шу вақтгача «Жип» ва «Лимузин»ларда сайр қилган келин-куёвлар энди оқ отли фойтунларда шаҳар айланмоқда. Чунки юқоридаги автомашиналарда юриш ҳайратланарли бўлмай қолди. Фойтунда сайр қилиш эса (ҳозирча) янгилик!

Бундай янги хизматларни таклиф этаётганлар ўз билганича нарх бичиб, кўплаб оилаларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда.

Энг қизиғи, бундай янги тартиб-қоидаларнинг ортиқча дахмаза эканлигини ҳаммамиз биламиз, уларни қисқартиришга ич-ичимиздан қўшиламиз. Лекин амалга келганда, фикримизга суяниб иш кўрмаймиз. Одамлар нима дейди, деган истиҳолани ҳеч енголмаймиз. Оқибатда ўз истагимизга, имкониятларимизга қарши борамиз.

Тўйни маънавият белгиси, дўсту биродарларнинг ширин дийдорлашуви, дедик. Ҳа, тўйга ёки меҳмондорчиликка боришдан мақсад қорин тўйғазиш эмас. Бироқ сўнгги пайтларда тўй ва маросимларда, меҳмондорчиликда маънавий иштиёқдан кўра моддийлик устун бўлиб бораётганига ўхшайди. Бир овқатни еб бўлмасдан иккинчиси, уни ҳазм қилмасдан учинчиси тортилади. Ёнингдаги одам билан ҳол-аҳвол сўрашиш, гурунглашишга деярли фурсат бўлмайди. Қулоқни қоматга келтирадиган мусиқа эса гапни-гапга қўшмайди...

Ибн Сино бобомиз ўз асарларида бир овқат тўлиқ ҳазм бўлмасдан иккинчисини ейиш меъда фаолиятини бузишини ботбот такрорлаган. Бунга бутун дунё риоя қилади. Аммо буюк табибнинг ворислари бўлган биз бу қоидани гўё унутиб қўйганмиз.

Муқаддас динимизда хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда меъёрдан ошиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш қораланади. Қуръони Каримнинг «Фурқон» сураси 67-оятида хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг маҳбуб бандалари эканлиги таъкидланади. Ҳадиси шарифлардан бирида «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!» дейилади.

Тўйларимиз — юртимиздаги тинчлик, халқимиз фаровонлиги белгисидир. Ҳолбуки, дунёда қанчадан-қанча одамлар уруш ва таҳлика ичида яшаяпти. Биз шундай эркин ва обод диёрда роҳат-фароғатда тўю шодиёналар ўтказаётган эканмиз, бунга шукр қилиш, ҳаддан ошмаслик, меъёрни билиш зарур. Тўйлардаги ортиқча дабдаба, исрофгарчилик ҳам ношукрлик аломатидир.

Ҳа, юртимиз янада фаровон бўлсин, тўйларимиз, яхши кунларимиз кўпаяверсин — буни ҳаммамиз хоҳлаймиз. Лекин тўкинлик ва фаровонликни суиистеъмол қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш, турли ортиқча маросимларни жорий этиб, миллий анъаналаримизга путур етказишнинг нима кераги бор?

Ўзига тўқ инсонлар халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини муҳтожларга, етим-есирларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, маҳаллаларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш каби ишларга сарф қилса — шундай эзгу саъй-ҳаракатлар орқали ҳақиқий обрў орттирса, қандай яхши! Бундай олижаноб, саҳий, мурувватли инсонларимиз кўп. Уларнинг сафи янада кенгайсин, деймиз...

...Инсон организми ҳар қандай салбий таъсирни енгиб ўтиш учун бутун вужуди бир бўлиб унга қарши курашади. Бу иммунитет дейилади. Шундай курашилмаса, биргина вирус ҳам вақт ўтиши билан бутун организмни ишдан чиқариши мумкин.

Халқ ҳам бир бутун организм, ягона система кабидир. Бугун бир жойда пайдо бўлган нохуш иллат эртага бутун юртимизга тарқалиши ҳеч гап эмас. Бунинг олдини олиш учун эса унга қарши биргаликда курашиш керак. Бу тушунчани, авваламбор, аёллар ва ёшларнинг онгига сингдириш, қолаверса, уларга ортиқча эрк бериб қўяётган биз эркаклар ҳам чуқур англаб олмоғимиз зарур. Тўйларни дабдабабозлик намойиши эмас, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини, гўзал урф-одатини ифода этадиган маросимга айлантириш эл-юртимизга фақатгина соғлом руҳ, фаровонлик бағишлайди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

# ТАДҚИҚОТ — ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

## *мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи омили*

**Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети 1992 йили ташкил қилинган. Айни кунда унинг таркибида 9 та факультет бўлиб, талабалар бакалавриатнинг 45 та, таълим йўналиши ва магистратуранинг 12 та мутахассислиги бўйича таҳсил олишмоқда. Бугунги кунда уларга 400 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар таълим беради.**

Ўтган давр мобайнида университетда кўплаб янги йўналишлар, кафедралар очилди. Уларга тажрибали илмий-педагог кадрлар жалб этилди. Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур ўқув даргоҳининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш тизимини янада яхшилаш имкониятини берди.

Университет ахборот-ресурс марказлари базаси 336 632 тагача кенгайтирилди. Ваҳоланки, 2001 йилда бу кўрсаткич 90 мингдан ошмасди. Бундан ташқари, электрон ўқув адабиётларнинг умумий сони 5235 тага етказилди. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб бу ерда хориждаги кутубхоналарда сақланаётган 190 мингдан зиёд электрон диссертациялар ва авторефератлардан фойдаланиш имконини берадиган виртуал ўқув зали очилди.



Шунингдек, илмий мақсадларга йўналтирилган жаҳондаги энг йирик матбаа компанияси — ***«Springer»*** билан ўзаро келишувга эришилди. **Бу эса талабаларга хорижий мамлакатларда чоп этилган фаннинг кўплаб соҳаларига оид 10 мингдан зиёд электрон илмий журналлар ҳамда 40 мингдан ортиқ электрон китоблар билан танишиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.**

Кейинги йилларда бу илм даргоҳида маҳаллий ва чет эл грантлари асосида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу энг аввало, университетнинг интеллектуал салоҳияти тобора юксалаётганидан дарак беради.

Жумладан, университет бир неча йиллардан буён Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги касбий таълим ва ёш кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватловчи ТЕМПУС дастури доирасидаги лойиҳаларда фаол қатнашиб келмоқда. Олийгоҳ 2009 йилда **«Тадқиқот — фан — ишлаб чиқариш» тамойили асосида жамият учун фойдали университетлар яратиш режаси»** номли лойиҳада муваффақиятли иштирок этган бўлса, бу йил **«Болония келишувини ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўқув дастурини такомиллаштириш»** мавзусида изланишлар олиб бораяпти.

Бундан ташқари, университет жорий йилда Европа Иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабалар алмашинувини қўллаб-қувватловчи **«Эрасмус Мундус»** халқаро дастурида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Бунинг натижасида ушбу даргоҳнинг бир қанча профессор-ўқитувчилари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари, магистр ва талабалари жаҳоннинг энг илғор университетларида малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш имконига эга бўлишади.

Урганч давлат университети Германиянинг Ванштефан, Бонн университетлари, Гёте институти каби нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу ҳақда сўз кетганда УрДУ олимлари Бонн университети қошидаги «Ривожланишларни тадқиқ қилиш илмий маркази» ва ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда **«Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни иқтисодий ва экологик қайта тузиш»** мавзусидаги халқаро илмий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад вилоятда экологик аҳвол ва атроф-муҳитнинг туз, пестицидлар билан ифлосланишини ўрганиш ҳамда бунинг олдини олиш, қишлоқ хўжалигида тупроқ ва сув ресурсларидан фойдаланиш, экин майдонларидан юқори сифатли ҳосил олиш, демографик жараённи тадқиқ этиш муаммолари ҳамда уларнинг ечимини топишдан иборатдир.

— Фаннинг долзарб йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ёш олимларимиз изланишларини жаҳон илм-фани билан кенг кўламда интеграциялаш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади, — дейди **университет проректори Сардор ХЎЖАНИЁЗОВ.** — Хусусан, инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги ҳукумат қарори ижросини таъминлаш бўйича бир қанча ибратли ишлар қилинаяпти. Жумладан, ихтисослик кафедраларида 75 та инновацион гуруҳ тузилиб, 81 та корхона билан шартнома асосидаги ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Университетнинг иқтидорли талабалари, магистр ҳамда ёш олимлари ҳар йили мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ўз тадқиқотлари, ихтиролари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Ўз навбатида ўтган йили ушбу даргоҳ олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида жами 238 та илмий мақола чоп этилгани, улардан 51 таси чет элдаги нуфузли илмий журналларда эълон қилингани, шунингдек, 3 та дарслик, 6 та монография, 2 та ўқув қўлланма нашрдан чиққани ҳам бу фикрларни тасдиқлайди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Урганч давлат университети нафақат мамлакатимиз, балки жаҳоннинг кўзга кўринган олий ўқув юртлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Бунинг замирида энг аввало, мамлакатимизда илм-фан ва инновацион технологияларни тараққий эттиришга қаратилаётган катта эътибор, ўқув юрти жамоасининг фидойилиги, профессор-ўқитувчиларнинг юксак педагогик малакаси ва талаба-ёшларнинг интилиши, изланувчанлиги мужассам. Энг муҳими, бу ҳаракатлар Ватанимизнинг ёруғ келажагини таъминлашга хизмат қилади.

**Зуҳра ҲАСАНОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# 4600 НАФАР БАНК ХОДИМИ

## *ишдан бўшатилади*

***Италиянинг йирик банкларидан бўлмиш «Monte dei Paschi» давлатдан қарз олиш эвазига 4600 нафар ходимини ишдан бўшатишга ваъда берди. Шу йўл билан у харажатларини камайтириб, давлатдан оладиган 1,5 миллиард евро ёрдам пулини инқироздан чиқишга сарфлайди.***

«AFP» АА маълум қилишича, 1472 йилда асос солинган мазкур банк 2000 йил охирларида молиявий қийинчиликларга дуч кела бошлаган. 2011 йилда эса 4,69 миллиард евро миқдорида молиявий зарар кўрган. Давлат қарзларининг 32,5 миллиард еврога тенг қисми шу банк зиммасига тўғри келади. Банкнинг умумий мижозлари сони 4,5 миллион кишини ташкил этади.

Умуман, 2011 йилни Италиянинг кўпгина банклари катта зарар билан якунлади. Масалан, «UniCredit» банки 9,21 миллиард евро, «Intesa SanPaolo» банки эса 8 миллиард евро миқдорида зарар кўрган.

# БАРЧА ПОЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ

## *парҳез қилишлари шарт*

***Покистоннинг энг аҳолиси кўп Панжоб музофоти полицияси бош инспектори Хабибур Раҳмон 175 минг кишилик полициянинг ҳар бир ходими семиз ва бесўнақай эмас, балки қад-қомати тик, спортчилар сингари чаққон бўлишлари учун парҳез қилишлари шартлиги ҳақида қатъий буйруқ чиқарди.***

«Express Tribune» газетаси хабар беришича, полиция ходимининг бел айланаси 38 дюйм (96,5 сантиметр)дан ортиқ бўлмаслиги шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Хабибур Раҳмон ҳам парҳез қилиб, қоматини керакли «андаза»га келтирган. Энди қолганлардан ҳам шуни талаб қилмоқда. Панжоб полицияси расмий вакили Набил Хазанфарнинг айтишича, музофотда полиция ходимларининг 50 фоизи ортиқча вазнга эга.

Уларга бир ой муҳлат берилди. Кимки ортиқча вазнини йўқотмаса, вақтинча хизмат вазифасидан четлатиб турилади, шунда ҳам тўғри хулоса чиқарилмаса, ишдан бўшатилади.

Куч — билим ва тафаккурда



# «АВЕСТО» ТАДҚИҚОТЧИСИ

**Баҳодир Жалолов — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультети талабаси, Президент стипендианти.**

У университетда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга илмий анжуман, фан олимпиадаларида фаол иштирок этади. Рус, инглиз, турк, араб, юнон каби бир қанча тилларни билади. «Авесто» китобини аслиятдан ўқий олади. Ҳозирги кунда «Авесто» маънавиятимизнинг ўқ илдизи сифатида» мавзуида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бугунга қадар унинг ушбу мавзуга доир 3 та услубий қўлланмаси ва кўплаб илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган.

— Тарихдан маълумки, «Авесто» китоби бизнинг юртимизда битилган, — дейди у. — Бу Ўрта Осиё дунё тамаддуни бешикларидан бири эканлигидан далолат беради. Илмий ишимда мана шундай бой тарихимизни атрофлича тадқиқ этишни мақсад қилганман.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**

Китоб жавонингизга

# «ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ»

Пойтахтимиздаги **«Янги нашр»** нашриёти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Асрор Мўмин**нинг **«Дунё мўъжизалари»** публицистик китобини чоп этди.





Таниқли адабиётшунос олимимиз Озод Шарафиддинов китобнинг ақлу идрокни камол топтиришдаги, барча яратувчанлик, бунёдкорликдаги муҳим ўрнини ҳисобга олиб, уни «саккизинчи мўъжиза» дея улуғлаганди. Муҳтарам олимимизнинг бу фикри албатта мумтоз китобларга тааллуқли. Зеро, ҳар битта тош маъдан саналмагандай, ҳар бир текис қилиб тахланган қоғозлар тўплами китоб — «саккизинчи мўъжиза» бўлавермайди. Яъни, машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов ёзганидек: «Шундай китоблар бор, юз минг нусхада чоп этилган, ҳеч ким ўқимайди. Баъзан ягона китоб қўлдан-қўлга ўтиб, кўпчилик томонидан севиб ўқилади».

Дарҳақиқат, китоб — бебаҳо хазина. Уни тайёрлаш муаллифдан куч, билим ва масъулият талаб қилади. Айниқса, устозларнинг фикрлари қулоғинг тагида жаранглаб турганда китоб устида ишлаш, публицистик тўпламни тайёрлаш осон эмас. Шу боис китобхонларнинг ёши, қизиқиши ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу тўпламнинг мавзуси «мўъжиза» сўзи билан боғлиқ атамаларга бағишланган.

Луғатимизда «мўъжиза» сўзи ёрдамида ясалган кўплаб атамалар бор: «Дунёнинг етти мўъжизаси», «Табиатнинг етти мўъжизаси», «Парҳез мўъжизаси»... Машҳур шоҳмотчимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлган вақтда унинг маҳоратидан ҳайратга тушган мутахассислар бу ғалабани «ўзбек мўъжизаси» деб аташди. Ҳа, ҳаётда «мўъжиза» яратиш давом этмоқда.

«Дунё мўъжизалари» тўпламига киритилган мақолалар айнан «мўъжиза» сўзи бор атамаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган. Унда Дунёнинг қадимий ва янги етти мўъжизаси, Табиатнинг етти мўъжизаси ҳақида мухтасар маълумотлар берилиб, барибир, бетакрор мўъжиза Ватан эканлиги таъкидланади. Шунингдек, иқтидорли шоҳмотчимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлган 2004 йил 13 июлда оламшумул воқеа юз бергани, ўзбек мўъжизаси яратилгани далиллар асосида очиб берилади.

Ҳаёт — мўъжиза, умр мўъжиза яратишга берилган имкониятдир. Тўпламдан жой олган, соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган «Парҳез мўъжизаси» рисоласининг таржимаси ўзи, яқинлари, Ватани учун саломатлигини мустаҳкамлаётган ва олдига юксак мақсадларни қўйган китобхонлар учун ажойиб туҳфа бўлди.

Мазкур тўплам мўъжиза сирларини билишга қизиққан, ўзи ҳам мўъжиза яратишга интилаётган, хайрли ишларга бел боғлаган китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

**(Ўз мухбиримиз).**

Спорт

# ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

*Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтди.*

Унда еттита чорак финалчи номига ойдинлик киритилди: «Олмалиқ» — **«Андижон» — 2:1** (биринчи учрашув — 1:3), «Гулистон» — **«Насаф»** — 0:2 (1:6), «Қизилқум» — **«Машъал»** — 0:2 (1:2), **«Бухоро»** — «Динамо» — 0:0 (2:1), «Сўғдиёна» — **«Металлург»** — 2:3 (1:3), «Шўртан» — **«Бунёдкор»** — 0:1 (0:2), **«Пахтакор»** — «Навбаҳор» — 1:1 (2:1).

Чорак финал босқичидан жой олган яна бир жуфтликда эса «Локомотив» — «Нефтчи» жамоалари дастлабки ўйинни ўтказишди — 2:1. Тақвимга кўра, уларнинг жавоб учрашуви 9 июлга белгиланган.

Энди қуръага мувофиқ чорак финалда қуйидаги жуфтликлар ўзаро куч синашади: «Андижон» — «Пахтакор», «Металлург» — «Насаф», «Бунёдкор» — «Машъал», «Бухоро» — «Нефтчи»/«Локомотив» жуфтлиги ғолиби.

Чорак финалнинг дастлабки баҳслари 8-9 ва 25 июль кунлари бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз).**



## Оила ҳақидаги ҳикматлар

Боланинг хулқларини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу эса болани қаттиқ ғазаб, қўрқиш, қайғу ва уйқусизликдан сақлаш билан қўлга киритилади. Ҳамма вақт боланинг истаган нарсасини муҳайё қилишга ва истаганини узоқлатишга тайёр туриш керак. Бунда икки манфаат бор. Бири боланинг нафси (руҳи) учун бўлиб, у ёшликдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади. Иккинчиси — унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мизож бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мизож бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли қуритади, ҳафсаласизлик нафсоний қувватни бўшаштириб, мизожни балғамликка мойил қилади. Хулқнинг мўътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан учун соғлиқ сақланади.

**Абу Али ибн СИНО**

# БОЛАЛАР ФУТБОЛИГА ЭЪТИБОР

## *келажакдаги ғалабаларимиз учун мустаҳкам пойдевор яратади*

**Ўзбекистон футбол федерацияси қарорига кўра, айни кунларда юртимизнинг вилоят ва шаҳарларида ўзбек футболининг 100 йиллик тўйи кенг тантана қилинмоқда. Жойларда футболимиз фидойилари, фахрийлари билан учрашувлар, болалар ҳамда ўсмирлар жамоалари ўртасида мусобақалар, турли мусиқий-маърифий кечалар ташкил этилаётир. Ҳозиргача бу каби тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларида юксак савияда уюштирилди.**

O'zbek Futboli 100 yoshda



Ҳасан ПИРМУҲАМЕДОВ олган суратлар.

Футболимизнинг 100 йиллигига бағишланган навбатдаги тадбирлар Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши раиси Наримон Жалолов, турли йилларда мамлакатимизнинг номдор жамоаси «Пахтакор» шарафини муносиб ҳимоя қилган Лаврентий Илуридзе, Вилгельм Қаҳҳоров, Тўлаган Исоқов, таниқли мураббий Евгений Валицкийлар иштирок этди.

Футболимиз фахрийлари Навоий шаҳридаги спорт иншоотлари билан танишди, ёш футболчилар билан учрашдилар. Улар «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинлари финал босқичи ўтган «Ёшлик» спорт мажмуида яратилган шароитларни кўриб, ўз ҳаяжонларини яширишмади.

— Бугуннинг ўғил-қизларига ҳавасим келади, — дейди Наримон Жалолов. — Болалигимни эсласам, йиртиқ кета ва коптоқ кўз олдимга келади. Бу каби шароит ва қулайликлар тушимизга ҳам кирмаган. Қаранг, жаҳон андазалари асосида жиҳозланган спорт залларини кўриб ақлингиз шошади. Бу ердан Ватанимиз довруғини дунёга таратадиган янги-янги истеъдодлар, Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ишонаман.

Дарҳақиқат, ҳозирда вилоятда болалар спортини, жумладан, болалар футболини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоят болалар футбол мактаб-интернати ёш футболчилари айни чоғда Навоий шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмуида ўз маҳоратларини оширишяпти.

— Ҳозирда мактабимизда 242 нафар бола «чарм тўп» сирларини ўрганмоқда, — дейди вилоят футбол мактаб-интернати директори Ойбек Раҳмонов. — Мавжуд ўнта гуруҳда тажрибали ўн нафар мураббий фаолият олиб боряпти. Мутахассисларимизнинг тўққиз нафари «С» тоифасига эга. Мактабимизда ёш футболчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, туман ва қишлоқлардан келиб таҳсил олаётган болалар учун юз ўринли замонавий ётоқхона мавжуд. Мураббийларимизнинг меҳнати аста-секин ўз самарасини бермоқда. Яқинда шогирдларимиз 1997 йилда туғилган болалар ўртасида Нукусда ўтказилган минтақавий турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятлари жамоаларини ортда қолдириб, республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Тадбир доирасида вилоят марказидаги «Кимёгар» стадионида «Навоийазот» очиқ акционерлик жамияти ва Навоий вилояти футбол фахрийлари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Ўйиннинг танаффус чоғида футболимиз фахрийларига тадбир ташкилотчиларининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди. Учрашув ниҳоясига етгач, ушбу спорт мажмуининг ўзида «Пахтакор» жамоаси ҳамда ўзбек футболи тарихига оид фотокўргазмалар ташкил этилди.

Тадбирнинг иккинчи кунида меҳмонлар олий лига жамоаси — «Қизилқумолтин» профессионал футбол клуби қошидаги болалар футбол мактабида бўлишди. Кармана шаҳридаги бу таълим маскани Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилояти филиали ҳамда «Қизилқумолтин» футбол клуби саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган. Айни чоғда бу ерда кўплаб болалар футбол сирларини ўрганишмоқда.

— Туман ва қишлоқларимизда истеъдодли ёшлар жуда кўп, — дейди «Қизилқумолтин» профессионал футбол клуби вице-президенти Муҳиддин Тошнаев. — Уларни излаб топиш, элга танитиш учун бу каби мактаблар жуда зарур. Ҳозир Кармана шаҳридаги футбол мактаби ва туманларимиздаги мавжуд филиалларимизда футбол билан шуғулланаётган 1200 нафардан зиёд болага ўттиз тўрт нафар малакали мураббий устозлик қилмоқда.

Стадионларни реконструкция қилиш, майдонлар ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Яқинда Кармanaдаги футбол мактаби реконструкцияси учун 430 миллион сўм маблағ сарфланди. Биз шу билан кифояланиб қолмоқчи эмасмиз. Жумладан, ёш футболчилар учун сунъий футбол майдони яратишни режалаштиряпмиз. Айни пайтда янги сунъий майдон лойиҳаларини ҳозирладик. Бугун-эрта бунёдкорлик ишларини бошлаймиз.

— Ҳозирда вилоятимизда Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларидан ташқари, мавжуд саккизта туманда ҳам «миллионлар ўйини»ни ривожлантириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилган, — дейди вилоят футбол федерацияси вице-президенти Мурод Худоёров. — Ҳадемай, вилоят биринчилиги бошланади. Вилоятда моҳир ҳакамларни тарбиялашга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Ёш ҳакамларимизни аввало вилоят биринчилиги учрашувларида синаб кўряпмиз. Айнан улар орасидан сараланган иқтидорли мутахассисларимиз Рустам Бобомуродов, Зокир Қодиров, Обид Жумаев, Руслан Самандаров, Сергей Ивлев, Нодир Болтаев, Леонид ҳамда Евгений Закутилинлар ҳозир Ўзбекистон миллий чемпионати ва биринчилиги баҳсларида ҳакамлик қилишмоқда.

Бугун Навоий вилоятида футбол соҳасида амалга оширилаётган ибратли ва хайрли ишлар яқин келажакда ўз самарасини беради, албатта.

**Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 7-8 – 07. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +19 / +24 | +36 / +41 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +19 / +24 | +36 / +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +18 / +23 | +36 / +41 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +19 / +24 | +37 / +42 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +19 / +24 | +35 / +40 |
| Тошкент шаҳри | +19 / +21 | +37 / +39 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
| --- | --- |
| Лондон | +15 / +15 |
| Париж | +14 / +15 |
| Москва | +18 / +16 |
| Мадрид | +18 / +17 |
| Пекин | +22 / +22 |
| Гонгконг | +27 / +28 |
| Рим | +19 / +20 |
| Афина | +22 / +22 |
| Токио | +24 / +23 |
| Стокгольм | +17 / +16 |
| Кейптаун | +10 / +10 |
| Қоҳира | +32 / +34 |
| Гавана | +25 / +25 |
| Вашингтон | +27 / +25 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
10676 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5